

Билл Гейтсдан 5 карра пули кўп бўлган миллиардер саҳоба



19:30 / 27.05.2021 4705

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳнинг «Тарих» китобида келтиришларича, Абдурахмон ибн Авф розияллоҳу анҳу вафоти олдидан Бадрда қатнашган саҳобаларнинг ҳар бирига 400 динор, мўминларнинг оналарига, ҳар бирларига кўп миқдорда мол беришни васият қилади. Буни эшитган Оиша онамиз розияллоҳу анҳо «Аллоҳ уни салсабил булоғидан суғорсин» деб дуо қилган.

У киши вафот этганларида, қолдирган бойликлари **3 103 000 000** (уч миллиард бир юз уч миллион) динор эди. 1 динор - 4.365 грамм олтиндир. Мазкур динорларни долларга айлантисак, **528.2 миллиард \$** бўлади.

Миллиардер Абдурахмон ибн Авф розияллоҳу анҳу қуллари билан бирга овқатланардилар. Танимаган одам, у кишини қуллари орасидан ажрата олмасди. У ўта камтар эди, кеккайиш, ўзини катта олиш, моли билан, обрў билан мақтаниш унга ёт эди.

Бир гал Пайғамбар алайҳиссалом Абдурахмонни, «Аллоҳ молингни баракали этсин», деб дуо қилган эдилар. Буни Абдурахмон шундай хотирлайди: «Шу дуодан сўнг мол-дунё ортимдан эргашиб юрадиган бўлди. Ҳатто бирор тошнинг тагини кўтарсам, албатта, ё олтин, ё кумуш топардим».

Абдурахмон ибн Авфнинг савдо, тижорат бизнеси ақл бовар қилмайдиган даражада катта эди. Унинг етти юз, саккиз юз туяли карвонлари тинимсиз Мадина шаҳрига дон-дун, ун, мой, кийим-кечак, идиш-ашёлар, халққа керакли бошқа молларни етказиб келар, мадиналиклардан ортганини бошқа шаҳарларга олиб бориб сотарди. Молини ҳеч кимдан аяб ўтирмас, муҳтожларга ҳамиша ёрдам қилар, сўрашдан уялганларга пинҳона кўмак берар эди. Ҳатто бир гал қўшинга беш юз отни миндириб юборган бўлса, бир гал мингта туяни эҳсон қилиб юборди. Абдурахмон ибн Авф ўлими соати яқинлашганини сезиб, қўл остидаги кўплаб қулларни озод этди.

Абдурахмон ибн Авф розияллоҳу анҳу ҳижрий 32 йилда, Усмон розияллоҳу анҳунинг халифалик пайтларида вафот этганлар. Тахминан етмиш беш йил умр кўрдилар.

Аллоҳ таоло у кишидан ва барча саҳобалардан рози бўлсин!

Манба: vaqf.uz